

БЮРОКРАТ РАҲБАР ЭСКИЧА ФИКРЛАЙДИ,

сансалорликка йўл қўяди, тадбиркорликка ғов бўлади

Эскича фикрлайдиган раҳбар тараққийнинг душмани. Чунки улар ўз устида ишлайдилар. Қуним ўтса бўлди, лавозимидан ажралиб қолмайин, деб ўйлайдилар. Уларнинг тоғани — уруғ-бозик, маҳаллийчилик. Улар ўз ортидан келаятган ёш кадрлар ёхуд замон нафасини сезиб улазурган инсонларга ўз ўрнини бўша-тиб беришни истамайдилар.

Янгиликни илғам, хулоса чиқариш қобилиятли кишилар фазилати. Президентимиз барча йилларда қарашлари янги, фикри юксак, тадбирли раҳбар кишиларга умумравнақимизнинг фидойилари бўлишига уруғ бермоқдалар. Яқинда Вазирлар Маҳкамасида мажлис бўлди. Яъни, 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2000 йилда иқтисодийни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари хусусида. Унда Юртбошимиз маъруза қилди. Қуйида юртдошларимизнинг ушбу мажлисдан олган таассуротларини баён этамиз.

Бахтиёр ЖУМАЕВ, Шўрчи туманидаги «Нуробод» фермер хўжалиги раҳбари:

— Нега энди Президентимизнинг шунчалар куйиниб ёниши, изтироб билан сўзлаб барчамизни ташаббускорликка чорлашни баъзи тўралар ҳанузгача англаб етмайапти? Уларнинг фикри шунчалар қотиб қолгани? Тўғриси, тадбиркорликни ривожлантиришман десанг қўлингга қарайдилар. Таъмагирилик қилишди, бундай кимсалар тараққийга ғов бўлади-да. Юртбошимизнинг таъмагир раҳбарларга қарата айтган гапни эшитиб, уларнинг виждони қийналмадимикан? Уларда виждон бормикан ўзи?

Менинг фермер хўжалигим «Савжирон» ҳамда Усмон Дониёров номли жамоа хўжаликларига яқин жойлашган. Чор-ва маҳсулотлари етиштиришим учун, мол-ҳолни боқиб озуқа керак. Шу бос иккала жамоа хўжалиги раҳбарларидан ер сўраб чарчадим. Улар сен менга тегишли эмассан, деб бир-бирига солишарди. Ушбу жамоа хўжаликлари бир неча йиллардан бери давлат олдидеги режани уддалай олмай келаяпти. На пахта, на галла, на бошқа маҳсулотлар режаси бажарилаяпти. Жаноби раислар Абдусамат Соатов ҳамда Бахтиёр Дониёровларнинг тадбиркорлик масаласи хаёлига ҳам келмайди. Ялло қилиб юришибди. Туман ҳокимиятига бир неча бор шу хусусида мурожаат қилдим. Аслида ер эгасини топмагач, бор ердан тўғри фойдалана олмагач, туманда иш юришадими? Майли раҳбарлар ҳам бир кунни тушуниб етар. Ўзини ўйлаган тўраваччаларнинг асл қиёфасини барибир замоннинг қўли

Хуллас, шунақа гаплар. Одамларда келажакка ишонч кайфияти, бу йўлда курашни иштиёқи баланд. Энг муҳими, улар Президентимиз олиб бораётган сиёсатнинг одиллигига дил-дилдан ишонадилар.

очиб ташлайди. Президентимизнинг нутқи дадиллиги, халқчилиги, қолаверса, биз тадбиркорларнинг ишимиз ривожини ўйлаб айтилгани учун ҳам қадрлидир. Юртбошимиз ноҳақликка ва нопоқликка қарши кескин кураш очдилар. Бу кураш ўз самарасини бермасдан қолмайди.

Ҳамза ХУДОЙБЕРДИЕВ, Жиззах вилояти Арнасой туманидаги «Отакул» фермер хўжалиги раҳбари:

— Юртбошимиз ишбилармонларга устиндан жинойий иш қўзғатаман, деб пўписа этувчи баъзи бир ҳуқуқни назорат қилиш органлари ходимларининг зуравонлиги хусусида ҳам тўхтаб ўтилди. Очиги, ҳар кун текшир-текшир қилиб тадбиркорга кун бермаётган зуравонлар қаттиқ танқид қилинди. Фермерлар солиқ инспекцияси, туман мол-ҳолни боқиб озуқа керак. Шу бос иккала жамоа хўжалиги раҳбарларидан ер сўраб чарчадим. Улар сен менга тегишли эмассан, деб бир-бирига солишарди. Ушбу жамоа хўжаликлари бир неча йиллардан бери давлат олдидеги режани уддалай олмай келаяпти. На пахта, на галла, на бошқа маҳсулотлар режаси бажарилаяпти. Жаноби раислар Абдусамат Соатов ҳамда Бахтиёр Дониёровларнинг тадбиркорлик масаласи хаёлига ҳам келмайди. Ялло қилиб юришибди. Туман ҳокимиятига бир неча бор шу хусусида мурожаат қилдим. Аслида ер эгасини топмагач, бор ердан тўғри фойдалана олмагач, туманда иш юришадими? Майли раҳбарлар ҳам бир кунни тушуниб етар. Ўзини ўйлаган тўраваччаларнинг асл қиёфасини барибир замоннинг қўли

Шавки САҒАРОВ, Сирдарё вилояти, тадбиркор:

— Президентимизнинг нутқини, айниқса, тижорат банклари бошлиқлари жилдий ўқиб чиқсалар, ўз ишларига танқидий раам солсалар, чакки бўлмас эди. Юрт тараққийти учун фақатгина Президент қайғурмасдан, ҳар ким ўз ишини билди қилса, ташаббус кўрсатса, нур устига аъло нур. Бугун баъзи бир банклардан кредит олиш осон кечмаяпти. Банк ходимлари иложи бўлса, тадбиркорга чап бериши йўлини ахтаришмоқда.

Хуллас, шунақа гаплар. Одамларда келажакка ишонч кайфияти, бу йўлда курашни иштиёқи баланд. Энг муҳими, улар Президентимиз олиб бораётган сиёсатнинг одиллигига дил-дилдан ишонадилар.

Кўчқор НОРҚОБИЛ



Юртимизга муносиб мард ўғлон бўл! Шавкат АКРАМОВ олган сурат

РИХТЕР БЎЙИЧА 5 БАЛЛ

Қирғизистоннинг Ўш вилоятида зилзила юз берди. Ерости силкиниши кучи Рихтер ўлчови бўйича 5 магнитудага етди. Зилзила маркази Ўш шаҳридан 85 километр узоқликда — Олой тизмасининг шимолий ён бағрида бўлган.

НОРОЗИЛИК БИЛДИРДИ

Эрон ҳукумати яқинда Техронда амалга оширилган портлашларда Бағдод маъмуриятининг қўли борлигини айтган эди. Ироқ Эроннинг бу айбловларини рад этди ва унга норозилик билдирди.

5 февралда Техрондаги президент саройи миномётдан ўққа тутилганидан кейин мазкур террорчилик ҳаракати учун жавобгарлики Ироқ ҳудудида жойлашган Эрон халқи мужоҳидлари ташкилоти ўз зиммасига олганди.

ТЕМИР ЙЎЛ ТИКЛАНАДИ

Россия ҳарбийлари Чеченистондаги 300 километрлик темир йўлни тиклади. Бу Чеченистондаги жамаи темир йўлларининг 3/4 қисмига тенг. Шунингдек, яқин кунларда Грознийга бўлган темир йўл ҳам тикланади, деб хабар тарқатди РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

ГАЗЕТАЛАР ЭПИЛАДИМИ ЁКИ?..

Қувайт миллий йиғини (парламент) аъзоларидан бир гуруҳи ҳукуматга ишончсизлик билдириши мумкинлигини маълум қилди. Ҳукуматнинг мамлакатдаги икки газетани ёпиш тўғрисидаги қарори депутатларнинг шунга ундамоқда.

Тап шундаки, «Ал-Ватан» ва «Ас-Сийёсат» газеталари Қувайт амираи ҳарбийлар ва полициячилар маъноси оширишга фармон бергани тўғрисида хабар эълон қилган эди. Бироқ ҳукумат бу хабарнинг тўқиб чиқарилганини айтиб, ҳар иккала газетани ёпишга қарор қилди.

ҚУТҚАРУВ ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

15 февраль кун Вьетнам шимолида 68 нафар йўловчиси бўлган автобус дарёга қулаб тушиши оқибатида 17 киши ҳаётдан қўз юмган, қолганлар бедарак йўқолган, деб эълон қилинган эди. Вьетнам ҳуқуқ-тартибот органларидан олинган маълумотларга кўра, жасадлар сони 40тага етган. Қидирув-қутқарув ишлари давом этмоқда.

Статистик маълумотларга қараганда, ўтган йили мамлакат йўлларида рўй берган ҳалокатлар туфайли жами 7 минг киши ҳалок бўлган.

ХАКЕРЛАР ҲУЖУМИ ТУГАТИЛАДИМИ?

Хакерларнинг АҚШ ва Япония компанияларининг Интернетдаги сайтларига ҳужуми барча давлатларни хушёр тортирмоқда. Жумладан, Хитой ҳукумати ҳам компьютер жиниятчилигига қарши фаол курашни ниятдалигини маълум қилди. Мамлакат ташқи ишлар ва зирлиги вакилининг айтишича, ХХР компьютер жиниятчилигининг барча кўринишлари, жумладан, хакерлар томонидан амалга оширилаётган бузғунчиларнинг олдини олишга қатъий киришади.

СОБИРНИНГ САБРИ

Умаровнинг галабаси мутахассисларга маъқул келди. Сурхондарёлик Акбар Алибоев ҳам 8 та очко билан олий табақа йўлланмасига эга бўлди. Шунчадан очко тўплаган Равил Кагиров (Тошкент вилояти) билан сирдарёлик Рамиз Курбединовлар эса имкониятларига кўра қолган ўринларни эгаллашди.

СОБИРНИНГ САБРИ

Олий табақага йўлланма берувчи шахмат бахслари ҳамшира қизқарди бўлади. Бу сафарги Ўзбекистон чемпионати биринчи табақаси ўйинлари ҳам кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. 11 кун давом этган дона суришларда қарийб 70 нафар шахматчи иштирок этди. Улар орасида 11 имкониятдан 8,5 очко жамғаришга муваффақ бўлган сирдарёлик Собир



БУ ДУНИННГ ИШЛАРИ

лар ажратилаётса-да, бу маблағларни айрим-айрим қимсалар «туя» қилишса?!
Ҳа, кейинги йилларда Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармаси ва унинг бўлимида давлат бюджети маблағларини масъул раҳбарлар томонидан ўғирлаш, фойдаланиш каби ҳолатлар авжга минди. Қолаверса, вилоят халқ таълими бошқармасидек масъулиятли вазифага ҳаётнинг қатта тажрибасини ўтамаган, биров таниб, биров танимайдиган, хуллас эл синовидан ўтмаган одамлар тайинланганидан бўлиб қолди. Боборҳим Мирзаев жанобларининг қайси хизматлари учун вилоят халқ таълими бошқармасида бошлиқ этиб тайинланганига бизга қоронгу, албатта. Аммо ишни эпласа, маориф учун жон куйдириб меҳнат қилса, ким бўлса ҳам отасига раҳмат дейсан-да! Бироқ, 1998 йилдан буён ана шу масъулиятли вазифага ўтган Б. Мирзаев халқ таълимидек оғир, лекин шарофли соҳада бирон бир ижобий ўзгариш қилолмади. Аксинча, у кишининг раҳбарлигида маориф учун ажратилган миллион-миллион бюджет маблағлари ўзлаштириб юборилди.
Жумладан, Олтинсой тумани халқ таълими бўлимида 1997 йилнинг 1 июнидан 1999 йил 1 июнига қадар жами ўғирлик 35 миллион 261 миң сўмдан кўпроқни ташкил этади. Бу ўғирликларнинг 35 миллион 65 миңи нақд пул ҳолатида ўзлаштириб юборилган. Бундан ташқари, юз миңлаб қийматли моддий товар бойликлари ҳам талон-тороқ қилинган. Улар эса туман халқ таълими бўлимининг мудири Шаммаат Рустамов, Курбон Сувоновлар ва бош хисобчи Абдураҳим Ҳайдаров, хазиначи Ҳасан Абдуллаевлардир.
— Олтинсой туман халқ таълими бўлими хазиначиси Ҳасан Абдуллаев ўз бошлиқлари ва туман молчи бўлимидагилар билан жиний тил бириктириб, 7 миллион 500 миң сўмни банкдан олиб, хазинага кирим қилмасдан ўзлаштириб юборган, қолган 27,5 миллион сўмга эса сохта ҳужжатлар тайёрлашгани

(Давоми 2-бетда)

ЙИЛ ОЙ КУН

МИСТЕР КЕВИН: ИШЛАР О, КЕЙ!

Хизмат юзасидан бир гал Пахтакор туманида бўлган Кевин Лемойн деган америкалик мутахассис билан учрашганим деб ёзди Жиззахдаги муҳбиримиз Иброҳим Жонузоков. У туман марказидаги «Болалар ва ўсмирлар маданий-спорт маркази» қошида фаолият кўрсатаётган инглиз тилини чуқур ўрганишга ихтисослаштирилган курсда ишларкан.
— Мистер Кевин ажойиб киши, — деганди ўшанда курс тингловчилардан бири, 11-синф ўқувчиси Нигора Файзиёва. — У бизга инглиз тилининг сир-синоатларини эринмай ўргатапти. Одий, дилқаш, фидойи инсон. Машғулотларда эса 65 нафар йиғит-қиз қатнашмоқда.
Мистер Кевин жаҳон тинчлик корпуси йўлланмаси билан Ўзбекистонга келган америкалик мутахассисларнинг бири. АҚШдаги Флорида университетининг инглиз тили ва адабиёти бўлимини тамомлаган. Кевин Лемойн қисқа муддатда ўзбекча гаплашишни ҳам дурустгина ўрганиб олибди.
Яқинда яна Пахтакорга йўлни тушди. Мистер Кевин яна учратдим.
— Салом, мистер! — дедим қадронларча. — Ишлар қалай?
— О, кей! Ўзбекистон гўзал. Пахтакор ва одамлари менга ёқди. Дустлар орттирдим. Хурсандман. Ҳаммага соғлиқ тилайман, — деди у жилмайиб.

ТЕКШИР-ТЕКШИР ҚАЧОН ТУГАЙДИ?

Саросиёдан шундай хат келди. Дашнободда ўтган 1,5 йилнинг 547 кундан 397 кун текшир-текшир билан кечди. 800 киши шундай ёзмақда. Бу Президентимизнинг: «Хўжалик субъектларини текширишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармонига зид-ку? Хўжалик раҳбарларига тазйиқ ўтказилмоқда. Бунақала ишлашга қачон вақт топамиз? Бу ишларнинг тағдида мақсадли ўйин борлигини яхши биламиз. Президент фармонига терс боришни нима деб тушунмоқ керак?

ДАВВАТКОР МУРОЖААТ

Бир гуруҳ тошлоқлик кекса деҳқонлар вилоят матбуотида мурожаат билан чиқиди. «Қанисиз! Фарғона деҳқонлари?» сарлавҳали мактубда фахрийлар Фарғона деҳқонларининг анъанавий миришкорликлари кейинги йилларда зайфлашгани сабабларини таҳлил қилиб, деҳқончиликни янги юксак поғонага кўтариш учун барча шарт-шароитлар етарли эканлиги, бунинг учун ғайрат-шижоат, кексалар тажрибасидан умумий фойдаланиш, экинлар парварлигини замонавий технология асосида олиб бориш лозимлиги айтилди —, деб ёзди муҳбиримиз Алишер Ибодитов.

УНИВЕРСИАДА НАМАНГАНДА ЎТАДИ

Республика олий ўқув юрлари талабалари «Универсиада-2000»нинг финал мусобақалари шу йилнинг май-июнь ойларида Наманганда ўтказилаётган бўлди —, деб хабар берди муҳбиримиз Маҳмуджон Парпиев.
Талабаларнинг 24 спорт жамоалари 12 тур бўйича ўзаро куч синашдилар. Ҳозирда шаҳардаги мавжуд стадионлар, ёпиқ залларда мусобақаларга тайёргарлик ишлари қизин олиб боришмоқда. Меҳмонлар «Чортоқ», «Гулшан» санаторийларида турардан бўлишди. Вилоят ҳокими Тўлқин Жабборовнинг фармойишига кўра, «Универсиада-2000»нинг рамзий белгиси ва маҳсулоти мадҳияси учун ташлов эълон қилинди.

ГАЗЕТА КЕЧИКСА-ДА, ШУМХАБАР ВАКТИДА ЕТДИ

Ҳоким дўстимга кўнгирик қилдим. — «Халқ сўзи» да туманингизни бошлаб уришибди. — Нега? Ким? Қайси сониде? — ҳовлиқиб сўради у. — Бугунги сониде. — Бугунги сони эртага келади, демак ҳали тумандагилар беҳабар. Нима қилай? — Газетани бугун ўқиб чиқшингиз учун Тошкентга самолётда учиб келинг.

Зиёда «Қадаммуш»лар

ёки 40-50 миллионлаб давлат бюджети маблағларини ўғирлаган халқ таълимининг айрим мутасаддилари ҳақида

«Афсуски, лавозим, вазифани худди ота-бобосидан қолган меросдек биладиган раҳбарлар ҳам учраб туради. Ҳаётимизда шундай кимсалар ҳам оз эмаслигини тап олишимиз ва бу каби ҳолатларга қарши курашмоғимиз зарур».

Президент Ислам Каримовнинг Олий Мажлис биринчи сессияси иккинчи йиғилишида сўзлаган нутқидан.

Аввало, Сурхондарёдаги мактаблар, таълим ўчоқлари ҳақида икки оғиз сўз: вилоятда жами 808 та урта мактаб бор. Уларда 450 миңдан зиёд ўқувчилар таълим олишади. Ҳар йили 24-25 миң атрофида ўқувчилар мактабларини битиришади. Мустақил ҳаётга қадам қўйишади. Шу ўринда, аччиқ, аммо очик гапни айтганда, вилоятдаги мавжуд мактабларнинг қарийб 30-40 фоизи бугунги кун талабаларига жавоб бермайди.
Замонавий компьютерлар, мусика асбоблари, спорт, ўқув ва машқ кўроллари ва бошқа жиҳозлар мавжуд мактабларнинг тенг ярмида йўқ ҳисоби.
Очиги, вилоятдаги барча туман ва хўжалик марказларидаги бир-икки мактаблардан ташқари, қишлоқлардаги ўқув

ларгоҳларига чеккадан, аниқроғи, вилоят халқ таълими бошқармасидан, туман ҳокимликларидан ва хўжалик раҳбарларидан бирон киши «Ҳолларинг қандай?», деб сўрамай қўйишганига бир-икки қовун пишши бўлди чамаси. Мактабларнинг ҳоли хароб, гоғтада қариб аҳолага тушиб қолган. Урганиб қўрилса, вилоят бўйича камида 40-50 та ўқув даргоҳи ниҳоятда ноқор, «тўқилиб кетая», деб турибди.
Ушун, вилоят халқ таълими бошқармасиданги мутасаддилар қаёққа қарашли? Улар нима ишлар билан машғул ўзи? Бугун бошли маориф, маданият соҳасига масъул бўлган ҳокимликнинг каттакон раҳбарларичи?
Назаримизда ҳамма гап ана шу бугуннинг ишламаганида, аниқроғи, бундай десак янада ноқоғиз, ноаниқроқ бўлар, тўғриси, ана шу соҳанинг раҳбарлари ўз мансабларини суийестемол қилаётганликлари, гоғтада қариб аҳолага тушиб қолган. Урганиб қўрилса, вилоят бўйича камида 40-50 та ўқув даргоҳи ниҳоятда ноқор, «тўқилиб кетая», деб турибди.
Ушун, вилоят халқ таълими бошқармасиданги мутасаддилар қаёққа қарашли? Улар нима ишлар билан машғул ўзи? Бугун бошли маориф, маданият соҳасига масъул бўлган ҳоким-

ПАРТИЯ ВА ХАЁТ ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Яқинда Тошкент архитектура ва қурилиш институтида Ўзбекистон ХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши, туман ҳокимлиги, институт «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда туман «Камолот» жамғармаси бўлими билан ҳамкорликда ўқитувчи-профессор, талабалар ва уларнинг ота-оналари иштирокида «Огоҳлик — давр талаби» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Уни институтнинг биринчи проректори, бошланғич партия ташкилотининг котиби Рихсвий Юсупов, Шайхонтоҳур туман партия кенгаши биринчи котиби Хайдар Бобоҳонов, туман ҳокими Улугбек Раҳмонбоев кириш сўзлари билан бошлаб бердилар.

рени ўқитиб ўтди. Тошкент Ислон университети профессори Абдулҳаким Журжоний эса «Ҳизбут-таҳрир», «вахҳобий» каби диний экстремистик оқимларнинг келиб чиқиш тарихи ва уларнинг кирдиқорларини илмий асосда фож қилиб ташлади. Ақилпарастлик, мутаассибчилик йўллари билан яширин асраш қорақлиги ҳақида тўхталиб, у Афғонистон, Тожикистон, Чеченистондаги биродарқушлик урушларини мисол тариқасида келтирди.

Давра суҳбатда туман прокуратураси ва суд ходимлари ҳам иштирок этиб, диний экстремистик оқим таъсирга тушиб, ҳар хил варақалар тарқатган, вазъонлик билан шуғуланувчилар учун қонуний қамоқ жазоси берилиши ҳамда мол-мулкларини мусодара қилиниши тўғрисида огоҳ этилдилар.

Маърузачилар саволларга апрофлича жавоб бердилар. Шу каби йиғилишлар туманнинг «Янги шаҳар», «Сарҳумдон», «Гулбод», «Кўкча», «Обинадан» йироқ эканликлари, машғум 16 февраль воқеалари ҳаммаи огоҳликка даяват этгани тўғрисида гапирди. Шу оқимга тушиб қолган ёшлар тарбиясига аввало ота-она, маҳалла-қўй, қўни-қўшни, қолаверса, маҳаллалардаги масжид имом-хатиблари ҳам масъул эканликлари

Б. ГОЙИБОВ, Ўзбекистон ХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши котиби

ТАШАББУС БЎЛМАГАЧ...

ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгашининг навбатдаги ижроия бюро йиғилишида Марказий Кенгашнинг «ЎзХДПнинг Дастури (янги таҳрир) ва Низомининг партия аъзолари томонидан ўрганилишини ташкил қилиш тўғрисида»ги қарори асосида бир қатор масалалар муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Нуробод тумани партия кенгашининг партия кадрларини танлаш, тарбиялаш, сафларни ўстириш, касб-маҳоратини ошириш, партиядошларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича олиб бораётган ишлари қониқарсиз деб топилди. Кенгаш тасдиқланган режа асосида иш олиб бормаган. Утган йили бор-йўғи икки марта ижроия бюро йиғилиши ўтказган. Кадрлар қўнимсизлиги ва лавозимларнинг узоқ вақт бўш туриши умумий ишга салбий таъсир кўрсатган. Қарорлар ижросини назорат қилиш унутилган.

Шунга ўхшаш қатор камчиликлардан келиб чиқиб, ижроия бюро йиғилиши Нуробод туман партия кенгашининг навбатдаги пленумида биринчи котиби П. Мустафоевнинг ишдаги шахсий масъулиятига жиддий баҳо бериш ҳақида қарор қабул қилди.

Шунингдек, ижроия бюро йиғилишида Жомбой туман партия кенгашининг ЎзХДП юқори органлари ва ўз қарорлари бажарилишини ташкил қилиш борасидаги фаолияти ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистон овози» мухбири

50 ЙИЛ ТЎЛДИ

Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги маданият марказида «Ўзбекистонда Ҳинди-бухороликнинг 50-йиллиги» мавзусида бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда Ҳиндистон ва Ўзбекистон маданий, илмий, иқтисодий алоқалари тўғрисида фикр юритилди. Шунингдек, маърузачи олимлардан Темур Ғиёсов, Гога Хидоят, Анвар Қосимов, Озод Шаматов, «Тасвир» газетаси бош муҳаррири Саодат Хўжаева ва шoir Мухаммад Али сўзга чиқилди.

Маърузачилар Саъдулла Йўлдошев ва Муҳайё Абдураҳмоновлардан ташқари барчаси ўз маърузасини рус тилида ўқинди. Давлат тилига олимлар, шоирлар ҳам эътибор беришмаётганлиги мени ажаблантирди.


Аспиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли

ТАДБИРКОРЛАР ЭҲСОНИ

Жиззах туманидаги Алишер Навоий номида жамоа хўжалиги ҳудудида «Нурилу қуёш» маҳалла гузари барпо этилди.

Тумандаги «Зилол» деҳқон-фермер хўжалиги тadbirkorлари томонидан қисқа муддатда қурилиб, фойдаланинишга топширилган ушбу гузарда маҳалла аҳолиси учун кўпгина қулайликлар яратилган. Шарқона услубда замонавий меъморчилик талаблари асосида барпо этилган чойхона, саргаропхона, дўкон, устахона сингари маданий-مائий шаҳобчалар аҳоли хизматида.

Ўз мухбиримиз



МЕН СИЗДАН ШИФО ТОПДИМ

Дунёнинг кенглиги, осмоннинг юксаклиги, борлиқнинг тозаллиги, умуман оғанда, ҳаётнинг гўзаллиги руҳиятимизга кўтаришлик бaxи этмоқ. Зеро, инсоннинг бошида беморлик тантана қилган кезлар назомат фаритаси янгли оқ халатли шифокорлар мададга ошиқадилар.

Кейинги пайтларда тиббиёт соҳасида ҳам исхотлар олиб борилмоқда. Биз бунини республика Нейрожарроҳлик илмий марказида ҳам кузатиш. Хусусан, суратда (юқорида) хориж замонавий «мультистарт-резиген» аппаратуралари инсон миёнасини энг майда зарраларига кузатиш, даволаш усуллари қўлдан катта ёрдам бераётганини ўз ифодасини топади.

Нафақат ватандошларимиз, балки қўшни республикалардан ҳам шифо излаб келишди, — дейди марказ директори ва даволаш ишлари бўйича муроивини Сайфулла Навиев. — 1997 йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан республика Нейрожарроҳлик клиник шифохонаси нейрожарроҳлик илмий марказига айлантирилди. Замонавий асбоб-ускуналар, хориж аппаратуралари келтириб ўрнатилди.



Илмий марказда даволаш шифо топганлар ҳамини мамнуни. Суратларда: 1. (ўнгдан) Марказ бош директори, профессор Марат Қориев, даволаш ишлари бўйича директор муроивини Сайфулла Навиев, илмий ҳодим Абдусамий Абдуқодир ва бош халмиши Рагно Луффуллаевлар замонавий аппаратураларда таъсирга ўтказилмоқда. 2. Шифокорлар муолажа пайтида.

Шавкат АҚРАМОВ олган суратлар

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БERAДИЛАР

«ОҚСАЁТТАН КИМ?»

«Ўзбекистон овози» газетасининг шу йил 22 январь сонида чоп этилган «Оқсаёттан ким?» сарлавҳали мақолада «Сирдарётелеком» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг иш фаолиятидаги камчиликлар танқид қилинган эди. «Сирдарётелеком» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ушбу мақола бўйича қуйидагиларни маълум қилади:

Мақола масъул ходимлар иштирокида ҳамма филиаллар йиғилишларида муҳокама қилинди. Бундан ташқари 2000 йил 1 февралда бу мақола республика «Маҳаллий Телеком» акциядорлик компаниясининг бош директори ўринбосари М. Кожакин, республика Давлат алоқа назорати инспекцияси бошлигининг муовини А. Матқаримов, алоқа назорати инспекцияси Сирдарё вилоят бўлими бошлиги А. Худойбердиев, «Сирдарётелеком» ОТҲЖ масъул ходимлари, шаҳар ва туман филиаллари директорлари иштирокида кенгайтирилган директорлар йиғилишида ҳам муҳокама этилди ва шу йилнинг биринчи чорагида барча камчиликларни бартараф қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда вилоятимизнинг Гулистон, Янгийер, Сирдарё шаҳарларида алоқа линияларида 1999 йилда содир бўлган ўғирликлар, сим ва кабель етишмаслиги, маблағ танқислиги сабабли айрим миқозларнинг телефонлари узоқ муддат ишламай қолишига олиб келган. Бу камчиликларни бартараф этиш мақсадида «Алоқа таъминоти» корхонасига ка-

бел маҳсулотлари олиш учун 2,3 млн.сўм маблағ ўтказилган, 1-чорақда бу масала ижобий ҳал бўлди.

Бир неча марта кенешларни ва АТСларнинг эҳтиёт қисмларини ўғирлаш ҳолатлари ҳам бўлган, ammo ҳозирги кунда АТСлар ўз вақтида таъмирланиб, ишлаб турибди.

Мақолада кўрсатилган Гулистон шаҳар Набиев кўчасидаги кабель линияси таъмирланиб, ишга туширилди.

Ўғирликларга барҳам бериш мақсадида ички ишлар ходимлари билан ҳамкорликда кескин кураш олиб бориляпти. Вилоятда кабель ўғирларига қарши 20 та жинойий иш қўзғатилди, 15 та жинойий иш якунланиб судга оширилди ва айбдорларга нисбатан ҳукмлар чиқарилди, 18 шахс жинойий жавобгарликка тортилди.

Шаҳар ва шаҳарлараро таксафонларнинг эҳтиёт қисмлари кўп ўғирланиши ва бу эҳтиёт қисмларнинг танқислиги учун уларнинг ўрнига вилоятда шаҳар ва шаҳарлараро сўзлашувлар бериб туривчи операторлик пунктлар ташкил қилинган. Шаҳар ва шаҳарлараро таксафонларнинг муаммоларини ечиш ва ишнинг такомиллаштириш масаласи 2000 йилнинг бизнес режасига киритилган ва бунга керакли маблағ ажратиш мўлжалланган. Қисқаса, вилоят алоқачилари иш жараёнида бўладиган хато ва камчиликларни қисқа вақтда бартараф қилишга қодир ва бу борада кўп ишларни бажариш тadbirkorлари режалаштирилди.

«Сирдарётелеком» ҳиссадорлик жамияти бош директори С. УМАРОВ

ЎГЛИНИНГ ЎРНИГА ОНАСИ...МИ?

Тахририятга Қашқадарё вилоятининг Бешкент шаҳри Навбахор кўчаси, 2-уйда яшовчи фуқаро Сулув Бекмуродовдан хат келди. Унда хусусан, шундай ёзилган: «Сизга шуни ари қилиб айтмоқчиманки, ўғлим Ойбек Нишонев тест синовлари асосида ТошДУ сибёсатшunosлик бўлимига тўлов шартномаси бўйича ўқиниб кирган эди. Ҳомий ташкилот ва ТошДУ ўртасидаги шартномага биноан ўғлимизнинг ўқиниш учун биринчи ярим йилликка 72 минг сўм, иккинчи ярим йилликка 72,4 минг сўм тўлаши лозим эди. Ҳомий ташкилот шу кунгача ТошДУ жорий ҳисоб рақамига 106 минг сўм ўтказди. Бироқ, университет маъмурияти ҳагузга-

ни айнан келтираман: «Абитуриент С. Бекмуродова Ўзбекистон Миллий университети ректорининг 16.09.99 йил 03-382 сонли буйруғига асосан талабалар сафига қабул қилинган. Буйруқдан кўчирма илова қилинган».

Афсуски, «абитуриент С. Бекмуродова»нинг талабалар сафига қабул қилингани ҳақидаги буйруқдан кўчирма иловада кўрмадик. Ўғлимнинг ўрнига онасини талабалар сафига киритган Бош бошқарма ва унинг раҳбари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири Яхьяли жавоб беради, деган умиддамиз.

Тахририят

(Давоми. Боши 1-бетда)

Зиддият «Каламуш»лар

маълум бўлди, — дейди вилоят назорат тафтиш бошқармасининг бош назорат тафтишчиси Эшверди Рузикулов.

Халқимизда «қароқчи бўл, ўғри бўл, инсоф билан бўл», деган гап бор. Таассуфларким, ўғирликлар, таъмагирликлар вилоят халқ таълими бошқармасининг ўзида ҳам «юқори савияларда» амалга оширилган.

Масалан, вилоят прокуратурасининг берган маълумотларига қараганда 1999 йил 10 декабрда вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиги Бобораҳим Мирзаев ва режа иқтисод бўлими бошлиги Х. Худойбердиевлар жинойий тил бириктириб, Шеробод туманидаги «Сайё» ёш сайёҳлар оромгоҳи директори Н. Садовалдан 10 минг сўм пара олаётган вақтида Хуррам Худойбердиев жиноят устида ушланган. Маълум бўлишича, бошқарма бошлиги Б. Мирзаев Н. Садовалдан 1999 йил ёзи да олаётган вақтида бошқарманинг ҳар бир дам олиш мавсуми учун озик-овқатларига пулларини ўтказиб бериш учун 10 фойз олинган нарх пул-пара талаб қилганлиги ва биринчи мавсумда 30000 сўм, иккинчи бор 30000 сўм, учинчи мавсум учун хизмат автомашинасига 4 донна балон олиб беришни талаб қилиб, 60000 сўм пулни пара тариқасида олганлиги иботланган. Энди ўзингиз ўйланг: бу битта оромгоҳ атрофидаги «савдо»лар.

Бундан ташқари, вилоят ХТБ қошида маркетинг бўлими очилиб, шу бўлим орқали жуда кўп миқдордаги мулк талон-торож қилинганлиги, бепул тарқатилиши лозим бўлган китоблар сотилганлиги, ҳукуматимизнинг махсус 109-сонли «Кам таъминланган оидларнинг бошланғич синф ўқувчиларини қишқикийим-бош билан таъминлаш тўғрисида»ги қарори ҳам қўпбул бузилганини маълум бўлиб қолди.

Яна шуки, вилоят бошқармаси томонидан турли хусусий фирмаларга миллион-миллион пуллар ўтказилиб, у нарх пулга айлантирилиб, ўлаштирилган. Бундай ўғирликлар Термиз шаҳар халқ таълими бўлимида ҳам авжига чиққан. Вилоятнинг Узун, Шўрчи, Шеробод каби туманлари халқ таълими бўлимида ҳам бюджет маблағларининг ноўрин, яъни қонунга хилоф равишда фойдаланилиши вилоят халқ таълими бошқармаси ва унинг бўлимларида молиявий ўғирликлар, талон-торожликлар одат тусига килганлиги қўриққани иёбот этайди-дими? Натияжада ўқитувчилар маошларини ўз вақтида ололмагачи еки уларнинг маошлари турли баҳоналар билан тўлиқ берилмапти. Болалар эса мактабдан келиб, «Ота, ўқитувчимиз фалон сўмдан олиб келишимизни буюрдилар», «Она, муаллимиз мактаб ремонтини учун пул олиб келинган, лекин», — дея пул сўрайдилар.

Ҳа, бошқа жойларни билмадигу, Сурхондарёдаги мактабларда ўқувчилардан тез-

тез пул йиғиб туриш аниқлик эмас. Ота-оналар ҳам бунга кўнингчи қолган. «Парда олиш учун пул», «Бўёқ олиш учун», «Деразага ойна олиш учун», «Пианино олиш учун» ва ҳоказо.

Аслида вилоят халқ таълими бошқармасининг «Таълим-таълимот» деган корхонаси бор. Ушбу ташкилот бугунги кунда республикадаги юқори ташкилотлардан 25 миллиондан кўпроқ қарздор. Солиқ ва бошқа жойлардан ҳам қарзи кўп. Аслида вилоят халқ таълими бошқармаси ўқув моддий-техника базасини ана шу ташкилот орқали амалга ошириши керак. Аммо, бошқарма бошлиги Б. Мирзаевга «Таълим-таъминот» корхонаси «керак бўлма» қолди. Шу боис, вилоят молия бошқармаси орқали таълим-таъминот учун ажратилган маблағларини ҳам тўғридан-тўғри туман халқ таълими бўлимига ўтказиб юбораверди. Туман халқ таълими бўлими эса, юқоридики ағрим мисолларни келтирганимиздек, бу пуллари таълим таъминоти учун эмас, «нафс таъминоти»ни қондиришга сарфлай-вердилар.

«Таълим-таъминот» корхонасини тугатиб, янгисини тугатман, — дейди Б. Мирзаев. — Нега? — Қарзи қўлайиб кетган. — Қарзи қақдан қўлай-

ган? — Шу районлар ўтказишмаган-да...

Денов, Шеробод, Шўрчи, Бандихон, Қизилқум, қўйинки, бошқа туманлардаги ўғирликларнинг ҳолига маймулар йиғлагулек. Биз бу мактабларнинг номини атай келтирмаймиз. Чунки, улар битта эмас, ўнгла эмас. Ёруғ, чиройли, иссиқ синфхоналар — бу оруз, холос.

Яқинда ўзТВнинг «Ахборот» дастурида Бандихон туманидаги мактаблардаги фариб ҳолатлар бежиз танқид қилинмади. Ҳаммаси рост гаплар. Бундан тўғрота томи ташлаш, шундан уч томчисини синфхонага тупашдан, совуқ, зах хоналар, парталари аллақачон ямаларивер «сан-да»га ўхшаб қолган мактаблар бўлса-ю, ана шулар яхшилани, янгилаш ўрнига миллионларни каламушдек кемириб ётганларга қандай баҳо муносон экан?

Дарвоқе, юқоридагиларни ўқиб, ҳеч ким ишонмай-диган ана бир ҳақиқат: ҳозирги вақтда ҳам Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиги Бобораҳим Мирзаев ўз вази-фасида ҳеч яни кўрмаган-дек ишлаб юрибди...

Абдурасул ЖУМАҚУЛ, «Ўзбекистон овози» мухбири, Сафар ОМОН, журналист

— Туманда фуқаролар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда жиноятчиликка қарши курашининг аҳоли қандай?

Тумандаги ҳуқуқ-тартиботни ҳимоя қилиш идоралари ходимлари фуқаролар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши кураш ва қонунийликни мустаҳкамлаш борасида қўпгина ишларни амалга оширмоқдалар. Бу борада фаолиятимиздаги асосий эътибор содир этилган жиноятларни аниқлаш, жиноят содир этилганлари топиб, жазолашгагина эмас, балки юз бериши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга қаратилган. Бунинг учун муқаддам судланганлар, спиртли ичимлик истеъмол қилишга муккасида кетганлар, ҳеч қерда ишламайдиганлар, энгил табиатли аёллар, умуман жиноятга қўл уриши эҳтимоли бор шахсларни аниқлаш, улар билан мунтазам иш олиб бориш чора-тадбирларини кўраётимиз. Туманда ўтган йили жами 132 та жинойий иш 190 нафар шахсга нисбатан қўзғатилиб, айблов ҳулосаси билан судга юборилиб, икки ушбу муқаддам судланганлар билан ишлаш нафақати таъминоти бўлими билан боғлиқ жиноятлар сезиларли даражада камайди. Тергов сифати ва самардорлиги олдинги йилдагига нисбатан бирмунча яхшиланди.

Утган йилда туман прокуратураси томонидан умумий назорат тартибида 70 та объектада 70 та текшириш ўтказилди ва уларнинг ҳаммасида ў кези бу даражада қонун бузилиши ҳолатлари аниқланди. Шундан 65 тасида қонунга хилоф равишда ҳуқуқий ҳужжатлар чиқарилигани маълум бўлди. Фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ҳамда қонуний ман-

фаатларини тиклаш юзасидан протест келтирилди, 64 та тақдиминома ҳамда 42 та амрномалар киритилди. Ўз хизмат вазифасини суиестемол қилган 99 нафар мансабдор шахс оғулантирилди, 60 нафар ана шундай қимсаларга нисбатан интизомий, 107 нафари нисбатан эса маъмурий жазо қўлланildi. Умумий назорат тартибида 31 та жинойий иш қўзғатилиб, улардан 29 таси айблов ҳулосаси билан судга юборилди. Тўлов интизомини яхшилани, тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш, ёшил-

67 та даъво аризаси бўйича айбдорлардан 2 миллион 202 минг сўм маблағ ундирилди ҳамда даъво тўлиқ қаноатлантирилди.

Аксарият қонунбузарликнинг асосий сабабчиси ичкиликбозликдир. Хусусан, ўтган йили райхатта олмиган умумий жиноятларнинг 90 фоизига яқини маст ҳолатдаги шахслар томонидан содир этилган. Ушбу ҳолат нафақат жиноятлар сонининг қўпайишига, балки оила ва жамиятдаги муштга, ёш авлод тарбиясига ҳам салбий таъсир кўрсатаёпти. Шунга қарамай,

— Фуқароларнинг мувожаатлари, хат ва аризалари билан ишлаш, уларнинг бузилган ҳақ-ҳуқуқларини қонун асосида ҳимоялаш тўғрисида фикрларингизни билмоқчийдик.

— Фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш биринчи галдаги вазифадир. Прокуратура эшиги бу даргоҳга кўмак истаб келувчилар учун очик. Одамлар бизга нафақат қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиши сўраб келишади, балки телефон орқали ҳам тез-тез мувожаат этиб туришади.

— Сир эмас, прокурорни кўриш қораловчи, прокуратура идорасини эса жазоловичи идора, деб билишади. Шу ҳақида фикрингиз...

— Афсуски, қўнчилик шундай фикрда. Лекин, бу тўғри эмас. Аслида прокуратура — энг биринчи галда фуқаролар ва давлат манфаатларининг ҳимоячиси. Эътибор берган бўлсангиз, мен фуқаролар манфаатини давлат манфаатидан олдин айтдим. Чунки, биз аввало фуқаро манфаатини, унинг ҳақ-ҳуқуқини муҳофаза қилишимиз, сўнгга давлат манфаатларини ҳимоялашимиз зарур.

Сўхбатқозов: Иброҳим ЖОНУБОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ПРОКУРОР ФАҚАТ ҚОРЛОВЧИ ЭМАС Айни пайтда фаол ҳимоячи ҳамдир, — дейди Пахтакор тумани прокурори, адиля кичик маслаҳатчиси Шуҳрат Алиризаев

моиллаш маҳсулотлари ҳамда энергия захираларини сақлаш, аҳолининг кам таъминланган қатламини иқтимоий ҳимоялаш, экин майдонларидан самарали фойдаланиш, вояга етмаганлар билан ишлашни такомиллаштириш борасидаги қонун ва қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш тартибда ўтказилган текширишлар қутилган самараларни берди.

Судларда жинойий ҳақда фуқаролик ишлари қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш мақсадида ўтган йили туман судида қўрилган 169 жинойий ишнинг барчасида, 185 та фуқаролик ишнинг 93 тасида прокурор давлат айбловини қувватлади. Прокурор иштироки шарт бўлган 92 та оғир ва ўта оғир жинойий ишлар бўйича прокурор ваколати тўла таъмин этилди. Утган йили туман прокуратураси томонидан келтирилган


жўжалиқ, корхона, ташкилот, маҳалла, фуқаролар йиғинлари раҳбарлари, оқсоқоллар, халқ таълими бўлими ходимлари бу иллатни бартараф этиш борасида ўта суф фаолият кўрсатаётганлигини айтиб ўтмоқ лозим.

Ачинарилеси, келажакимиз эгалари бўлган болалар, ўсимирлар, қолаверса, аёллар томонидан ҳам жиноятлар содир этилаётганлигидир. Бу ҳол ҳаммаимизни хушёр келтириши керак. Шу боисдан ҳам ўтган йили туман прокуратураси ташаббуси билан Пахтакор шаҳарчасидаги ташландиқ ҳолда ётган бино ҳашар йўли билан таъмирланиб, болалар ҳамда ўсимирлар маданий спорт маркази ташкил этилди. Ҳозирги кунда бу ерда болалар спортнинг ўндан ортик тури билан мунтазам шуғуланмоқдалар. Бу ҳол уларнинг ишдан ва ўқидан кейинги бўш вақтлар-

«МУЛОКОТ» САХИФАЛАРИДА

ЖАСОРАТГА ТЎЛА ЎН ЙИЛ

«Мулоқот»нинг 2000 йилдаги ilk сони нашрдан чиқди. Бу сон таниқли публицист Нарзулла Журевнинг «Президент — Ватан ва Миллат тисоли» мақоласи билан очилди. Унда сиёсатшунос олим яқинда кўпчилик 91,90 фоиз овоз билан мамлакат Президентлиги лавозимига қайта сайланган Ислом Каримовнинг фидойилиги ва узокни кўра олиш хусусиятларига, унинг ўзига хослиги, бошқа сафдошлари ва замондошларидан фарқи нималарда эканига тўхталган.



Жихатдан Муқимжон Қирғизбосевнинг «Маънавият, маърифат, мафкура» мақоласи журналхонлар қалбида ўзига хос эҳтирос уйғотса ажаб эмас.

Журналнинг ўн йиллиги муносабати билан эълон қилинган мақрури сонидан фидойи юрдошларимизнинг «Мулоқот» ҳақидаги фикр ва мулоҳазалари билан ҳам танишасиз. Суюкли жамоа ўн йил давомида эл-юрт билан бирга истиқлол йўлида фидокорона меҳнат қилди. Соғлом фикрли баркамол авлод тарбиясига, ўзликни англаб етишига ўз ҳиссасини қўлди. Миллий Истиқлол мафкурасини яратишга хизмат қилди. Янги сонда академик Бўрибой Аҳмедов журналнинг «Халқ билан бирга»лигини эътироф этса, профессор Хамид Зиёев унга «Мустақиллик ва озодлик жарчиси», дея таъриф берган.

Юсак тафаккур ва маданиятга эга бўлмай туриб, адолатпарвар ва инсонпарвар жамият куриб бўлмайди. Янги сонда Муҳаммаджон Жакбаров «Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам маънавий камолот ва тафаккур равнақи жамиятнинг энг фаол тоифаси — ҳунармандлар даврасида бошланган эди», — деган илғор фикрни илгари суради.

Биз бугун баркамол авлод тарбиялаш орзуси билан яшаймиз. Ҳаёт ва дунёқараш ўзгармоқда, янги инсон шаклланоқда. Файласуф олим Анвар Чориев фикрича: «Инсонда ижтимоий масъулият туйғуси кучли бўлса, мустақил шахснинг шаклланиш жараёни шунча тезлашади». Тарихий меросга, ажлодлар руҳига садоқат билан яшаган инсонга ҳамини бахт-саодат, омад кулиб боқадим. Шу ўринда Ваҳоб Раҳмоннинг «Оллоҳ жамоли ва инсон камоли» мақоласи буюк мутафаккир Алишер Навоий камолотига бағишланган бўлса, ёш олим Шовосил Зиёевнинг мақоласи калом илимининг асосчиларидан бири бўлган Абу Мансур ал-Мотуридий ҳаёти ва ижодий фаолияти, ўз замонасида муҳим аҳамият касб этган, бугун ҳам ўз моҳиятини йўқотмаган асарлари ҳақида қизиқarli маълумотлар беради.

Магбаачилик соҳаси билан домини, аллома Ислом Шоғуломов журналга нисбатан «Мулоқот» мактаби деган сифатловни ишлатар экан, «Камдан-кам нашрларгагина ўз мактабини яратиб бахти ва шарафини насиб этади», — дейди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Зиёд Есенбоев эса «Мулоқот» — «Маънавият бўстонидан бир гулшан» эканига баралла ишонч билдиради.

2000 йилнинг 1-сонида Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, академик Мурод Шарифхўжаев, Ўзбекистон халқ шоири Жуманӣз Жабборов, Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси Омон Ҳикमत, профессор Ғайбуллоҳ ас-Салом (марҳум), Абдулла Қодирий номли Тошкент давлат маданият институти ректори Азиз Тўраев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Абдуқодир Ҳайитметов, Ўзбекистон ХДП Қашқадарь вилоят Кенгашининг биринчи котиби Фармон Омонов, «Қишлоқ ҳаёти» газетасининг бош муҳаррири Уткир Раҳмат, фалсафа фанлари номзоди, доцент Аҳмаджон Эшонқулов, филология фанлари доктори Ориф Усмоновнинг «Мулоқот» ҳақидаги ўйлари ва шоир Абдулла Турдусевнинг журналга бағишлаган мувашшаҳи эълон қилинган. Уларнинг барчасида ўзбекнинг миллий бу журнали аллақачон маънавият ва маърифатнинг кўзгусига айланиб ултургани эътироф этилади.

Шунингдек, «Мулоқот»нинг биринчи сонидан Темурийлар даврида яшаб ижод этган атоқли тарихчи Муҳаммад ибн Ховандшоҳ Мирхондиннинг (1433-1488) «Равзатус-сафо» асаридан парча эълон қилинган. Кўп минг сонли муштарийларда бу нодир асарга нисбатан қизиқиш пайдо бўлишига ишончимиз комил.

Бугун мамлакатимизда ҳам айнан ана шу масала энг долзарб мавзуга айланган. Шу

■ Ойша ЎРИНОВА, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси.

АООТ «Олтин бошоқ У»

ИЗВЕЩАЕТ О ПРОВЕДЕНИИ ОЧЕРЕДНОГО ОБЩЕГО СОБРАНИЯ АКЦИОНЕРОВ ПО ИТОГАМ ФИНАНСОВО-ХОЗЯЙСТВЕННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ЗА 1999 ГОД, КОТОРОЕ СОСТОИТСЯ 17 МАРТА 2000 ГОДА В 10⁰⁰ ЧАСОВ ПО АДРЕСУ: 700047, Г. ТАШКЕНТ, ХАМЗИНСКИЙ РАЙОН, 2-ОЙ ПРОЕЗД МУСАХАНОВА, 33

Довестка АНЖ

- 1. Утверждение годового отчета Правления о финансово-хозяйственной деятельности АООТ «Олтин бошоқ У» за 1999 год.
2. Утверждение акта ревизионной комиссии.
3. Утверждение договора о взаимоотношениях между ГАК «Узхлебпродукт» и АООТ «Олтин бошоқ У».
4. Утверждение баланса и распределение прибыли по итогам работы за год.
5. Перспективы развития производства на 2000 год.
Регистрация акционеров с 9⁰⁰ до 10⁰⁰ часов в клубе общества.

НАБЛЮДАТЕЛЬНЫЙ СОВЕТ АООТ «ОЛТИН БОШОҚ У»



Қордан тоза нигоҳинг, қорлар эриб кетмасин... Сен фалакдан юксакда, қорнинг қўли етмасин

Шавакрат АҚРАМОВ олган сурат

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ДЕРМАТОЛОГИЯ ВА ВЕНЕРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ

2000 йил учун

катта илмий ходим лавозимига — 3 та ўринга, бўлим бошлиғи вазифасига — 2 та ўринга қабул қилиш учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида ҳужжатлар қабул қилинади.

Қўшимча ахборотларни 46-08-07 рақамли телефон орқали илмий кенгаш котибидан олиш мумкин.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 3-уй.

Тошкент давлат шарқшунослик институти

ВАКАНТ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- Марказий Осиё халқлари тарихи кафедраси бўйича, доцент. 1 ўрин.
Араб тили кафедраси бўйича, доцент. 1 ўрин.
Халқаро маркетинг ва менеджмент кафедраси бўйича, доцент. 1 ўрин.
Инглиз тили кафедраси №1 бўйича, катта ўқитувчи. 2 ўрин.
Инглиз тили кафедраси № 2 бўйича, катта ўқитувчи. 1 ўрин.
Курияшунослик кафедраси бўйича, катта ўқитувчи. 1 ўрин.
Инглиз тили кафедраси № 2 бўйича, ўқитувчи. 1 ўрин.
Япон филологияси кафедраси бўйича, ўқитувчи. 1 ўрин
Марказий Осиё мамлакатлари иқтисоди кафедраси бўйича, ўқитувчи. 1 ўрин.

ҲУЖЖАТЛАР ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН ЭЪТИБОРАН БИР ОЙ ИЧИДА ТОПШИРИЛИШИ ЛОЗИМ.

ҲУЖЖАТЛАР:

- 1. Ректор номига ариза.
2. Шахсий варақа.
3. Диплом (амтестат) нусхалари: олий маълумот, илмий гаражаси ҳақидаги, илмий гаражаси ҳақида амтестат.
4. Илмий ва илмий-услубий ишлар рўйхати.

Манзил: Тошкент шаҳар, 700047, Лоҳутий кўчаси, 25-уй. Телефон: 133-44-36.

5-саҳифа КЕРОСИН

Бухородаги юпунгина идора эшигини қоққан такасоқол кимса бошлиқ хонасига тортинмай кирди. — Ассалому алайкум тақсир, — бошлиқ билан эски ошнолардек кўришгач, у муддаога ўтди. — Жиззах вилоятиданмиз. Қули енгил табибимиз, ҳа, минг дардга даво бизда бор. Бошлиқ йўталиб, ўрнидан турди. Табиб уни синамоқчи бўлди. — Келинг, тақсир, ишни сиздан бошлайлик, — деди узун бармоқларини бир-бирига уриштираркан, — товонингиздан шамоллагансиз. Кўзингиздаги оғриқ, қовонгиз шиллиги шундан-да. Фақат... Бошлиқ хавортир-ла бир нима демоқчи эди, табиб унга суз бермади. — Мана бундан тортинмай капаланг, сўнг бундан сесканмай бир чўп қошиқ ичинг, — дея елим халтачадаги шишаларни унинг қўлига тутқазди. Нархи 2750 сўм, сизга эса текинга бераман. Фақат бизга бошпана беринг.

Бошлиқ кўнди. Шу пайт хонага котиба чой кўтариб кирди. Бошлиқ унга маъноли боқди, жувон ерга тикилди: Фарзандсизлик ёмон-да. Бошлиқ ўзим айтаман демоқчи эди. Такасоқол унга ҳам, бўлим бошлиғи Шукурга ҳам, фаррош Ойша холага ҳам бир хил «лори» берди. Бир ҳафта бу идора ноёб нарсга тарқатилган одамлар билан тирбанд бўлди. Дунёда нима кўп — дардманд кўп экан. «Табиб»нинг Бухородан қораси ўчганига ҳам ўн ой бўлди. Даво бўлади, деб «табиб» берган сассиқ гнѐх талқонини капалаб, бадбўй керосинни ичган бошлиқ бор овозидан батамом айрилди, котибаси танида ўзгариш сезмас, бўлим мудри Шукуржон эса «қушдай енгил», Ойша хола кўрпа-тўшакдан туролмайдиган ҳолатда. Бошқаларни билмаймиз-ку, бу идора аслида юпун эди, энди ходимлари ҳам юпун бўлди. Тиниб-тинчимас одамлар-ей, нималарни ўйлаб топишмай-я, керосин ҳам минг дардга давоми-а?

■ Даврон БАҲРОНОВ

ЎҚИГАН ҲАМ БИР, ЎҚИМАГАН ҲАМ...

Яқинда бир талаба билан ҳамсуҳбат бўлдим. — Баҳолар неча бўлапти? — сурайман ундан. — Тўрт-беш! — Яхши... Домлалар имтиҳон пайтида қийнашмаяптими? — Қийнашмайди. — Бу нима деганинг? Домлалар пора олишадими? — Йўғ-е, уқисак ҳам, тайёрлансак ҳам барибир — «учдан зиёд баҳо қўйишмайди. «Уч» олган талаба эса стипендиядан қуруқ қолади. Тўғриси, бу гапни эшитиб ҳайратда қолдим. Ҳарчанд иттимос қилсам-да, лекин у қайси билим юртида ўқишини айтмади, тўғриси, домлаларини «сотмади». Аммо унинг суммаси ичидан кўришиб турган оқ халати менга ниманидир аңлатди...

■ Бобо САРОЙИ

Тошкент шаҳрида жойлашган «Башанг-Табани» қўшма корхонаси ТУГАТИЛАДИ Даво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой муддат ичида 54-06-70 ҳамда 54-75-02 рақамли телефонлар орқали қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитасининг «Чотқол» шихаттоқи жамоаси шу шихаттоқ директори Абдумалик Мавлоновнинг Мавлонова мунис онахонлари Матлоба ая АБДУРАҲМОНОВАНИНГ вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

БОШ МУҲАРРИР

Азим СУЮН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

- Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙУДЛОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ
Алшўқул СУЛТОНОВ
Андрей ОРЛОВ
Бахтиёр ҲАМИДОВ
Валерий ЛАБАРШНИХ

МУАССИС:



ЎЗБЕКISTON ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

- Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодийёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-47-80, 133-38-55, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

- Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоида — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқанда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-12-56;
Урганчада — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи

Раешан ШОДИЕВ
Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турро кўчаси, 41-уй.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чотқол» шихаттоқи жамоаси шу шихаттоқ директори Абдумалик Мавлоновнинг Мавлонова мунис онахонлари Матлоба ая АБДУРАҲМОНОВАНИНГ вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиб фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Топшириш вақти — 21.00.
Топширилади — 22.00.
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА